




ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
OLIIY VA O'QITVA MAXSUS
TA'LIM VAZIRLIGI



Министрлар
олиги ва оқи
Ушбу



BUXORO
DAVLAT
UNIVERSITETI



**“Boshlang'ich ta'limga raqamli texnologiyalarni tatbiq etishning
zamonaviy tendensiyalari va rivojlanish omillari”**

Xalqaro ilmiy-amaliy anjumani ishtirokchisi


Бахтиёр Адизов

S E R T I F I K A T

bilan taqdirlanadi.

**Buxoro davlat
universiteti rektori**

O.X.Xamidov



2021-yil 2-aprel



UZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLY VA O'RTA MAXSUS
TALIM VAZIRLIGI



SHAROF
DASLAV
UNIVERSITETI



UZBEKISTON RESPUBLIKASI
INNOVATSION
RIVOJLANISH VAZIRLIGI

**BOSHLANG'ICH TA'LIMGA
RAQAMLI TEXNOLOGIYALARNI
TATBIQ ETISHNING ZAMONAVIY
TENDENSIYALARI VA
RIVOJLANISH OMILLARI**

XALQARO ILMIY-AMALIY ANJUMANI

MATERIALLARI



МУНДАРИЖА

Обиджон Хамидов. Рақамли технологияларни таълим жараёнига татбиқ этишнинг устувор вазифалари	3
Отабек Қаҳҳоров. Рақамли иктисодиёт тараккиёт омили сифатида	4
Қаҳрамон Тўхсанов. Таълим беришда рақамли технологиялардан фойдаланишнинг аҳамияти.....	5

I ШЎЪБА. БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМГА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШ ИМКОНИАТЛАРИ.....8

Б.Адилов. Замонавий таълимда рақамли технологиялардан фойдаланиш истикболлари	8
Ш. Ш. Олимов. Бошланғич таълимни табақалаштиришнинг муҳим омиллари.....	11
А.Р. Ҳамроев. Масофавий таълим соҳасида рақамли технологиялардан фойдаланиш имкониятлари	15
Чемезов Сергей Александрович, Сахновская Елена Геннадьевна, Алмазова Юлдуз Исмаевна. Цифровые ресурсы для педагогов начальной школы.....	17
З.Л.Умуров. Таълимни рақамлаштириш шароитида педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш педагогикаси фани асослари	19
U.A. Masharipova. Boshlang'ich ta'limga raqamli ta'lim texnologiyalarni joriy etish davr talabi.....	22
G'.M.Sayfullayev, L.X.Alimova, I.S. Temirova, S.Sh. Namozova. 4-sinfda markaziy osiyolik allomalarning tabiat.....	24
Умуров Зариф Латифбоевич. Таълимни рақамлаштириш шароитида ўқув-билув муаммоларини таълим жараёнига татбиқ қилишнинг шарт-шароитлари.....	26
G'.M. Sayfullayev, G.F.Yodgorova, F.O'. Yodgorov. Boshlang'ich sinf "atrofimizdagi olam" darslarida o'qitishning raqamli texnologiyalaridan foydalanish.....	28
G'.M. Sayfullayev, L.X.Alimova, D.O.Hamroyeva. Tabiatshunoslikni o'qitishda foydalaniladigan raqamli texnologiyalar.....	30
m.m.nigmatova. raqamli o'yinlar bolalarni o'qitish usuli sifatida	32
M. J. Yarashov, X. I. Hamdamova. Ta'lim tizimida raqamli texnologiyalarning o'rni	34
M. J. Yarashov, F. B. Barotova. Boshlang'ich ta'lim jarayoniga raqamli texnologiyalarning tadbiiq etish metodikasi	36
M.J.Yarashov, M.T.Axmedova. BOSHLANG'ICH SINIF MATEMATIKA TA'LIMNI Raqamli texnologiyalar orqali ijodiy tashkil etish jarayoni.....	38

II ШЎЪБА. БОШЛАНҒИЧ СИНФЛАРДА ЎҚУВЧИЛАР БИЛИМИНИ БАҲОЛАШНИНГ ХАЛҚАРО ТИЗИМИ40

М. М. Юлдашева, Бафаева Дилдора. Обучение учащихся анализу художественных произведений в начальных классах на основе заданий PIRLS	40
V.T.Jurayev, Z.Qamarova. Boshlang'ich sinflarda o'quvchilar bilimni nazorat qilish va baholash tamoyillari	43
Doniyorova Nodira, Hamroyev Alijon Ro'ziqulovich. Husnixat darslarida xalqaro tadqiqot baholash tizimi-pirls matnlarini qo'llashning ahamiyati.....	45
Б. Мустафоев. Бошланғич синф ўқувчиларида мусиқий саводхонликни шакллантириш жараёнида мантикий фикрлаш ва баҳолашга ўргатиш	47

III ШЎЪБА. ДАРСЛИКЛАРНИ ЯРАТИШДА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ТАТБИҚ ҚИЛИШ.....49

Мишанова А. И. ПРИМЕНЕНИЕ ИНТЕРАКТИВНЫХ ТЕХНОЛОГИЙ НА УРОКАХ РУССКОГО ЯЗЫКА В НАЧАЛЬНОЙ ШКОЛЕ	49
R. X. Jumayev. BOSHLANG'ICH SINIF ONA TILI DARSLIKLARINING AFZALLIKLARI	50
O'. M. Olloqova. ONA TILI DARSLARIDA O'QUVCHILARNING LINGVISTIK KOMPETENSIYALARINI TAKOMILLASHTIRISHDA TA'LIM TEXNOLOGIYALARINING ANAMIYATI.....	53
R. X. Jumayev, Sh.T.Elmurodova. ONA TILI DARSLIKLARIDAGI DIDAKTIK MATERIALLARNI YARATISH VA ULARNI TAKOMILLASHTIRISH	55
M.M.Qosimova, F.F.Qosimov. TAQQOSLASHGA DOIR TOPSHIRIQLAR USTIDA ISHLASH TEXNOLOGIYASI	58
М.А. Жумаева. ПЕДАГОГИКА ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ЎҚИТУВЧИ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ.....	60

1 ШҮЪБА. БОШЛАНГҮЧ ТАЪЛИМГА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ КЎЛЛАШ ИМКОНИАТЛАРИ

ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМДА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Б.Адилов
Ўзбекистон

Аннотация. Мазкур мақолада республикаимиз олий таълим тизмида рақамли технологияларни қўлдан, уларнинг имкониятларини таҳлил қилиш асосида ўқув жараёнини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари аниқланган. Шунингдек, олий таълимда рақамли технологияларни жорий этишга келиб асосланган муносабатлар тузишда мавжуд бўлган амалиётни ўрганиш, тизимлаштириш ва умумлаштириш орқали таълим соҳасида нафақат муҳим ўрн эгаллаши ва қандай шаклда жорий этилиши буйича таъкидлар берилган.

Калит сўзлар: рақамли технологиялар, ахборот-коммуникация технологиялари, олий таълим тизими, замонавий таълим, рақамли билимлар, Интернет тизими, масофавий ўқитиш.

Аннотация. В данной статье определены приоритетные направления развития образовательного процесса на основе применения цифровых технологий в системе высшего образования Республики, анализа их возможностей. Также были высказаны предложения о том, как и в какой форме внедрение цифровых технологий в высшее образование может занять важное место в сфере образования только путем изучения, систематизации и обобщения существующей практики составления научно обоснованных выводов.

Ключевые слова: цифровые технологии, информационно-коммуникационные технологии, система высшего образования, современное образование, цифровые знания, Интернет-система, дистанционное обучение.

Annotation. In this article, priority directions of development of the educational process are determined on the basis of application of digital technologies in the higher education system of the Republic, analysis of their capabilities. Also, proposals have been made on how and in what form the introduction of digital technologies in higher education can only take an important place in the field of education by studying, systematizing and summarizing the existing practice in drawing up scientifically-based conclusions.

Key words: digital technology, information and communication technology, higher education system, modern education, digital knowledge, Internet system, distance learning.

Бугунги кунда рақамли технологиялар ҳаётнинг барча соҳаларида фаол қўлланилмоқда. Иктисодиёт, банк, хизмат сектори шунингдек таълим жараёнини ҳам тез суъратларда ривожланишига хизмат қилмоқда. Мамлакатда яшаётган барча фуқаролар, жумладан ёш болалардан тортиб нафақахўрларнинг ҳам онгиди рақамли технологиялар орқали жамиятдаги барча муаммоларни ҳал қилиш мумкин деган фикрни шакллантирмоқда. Бундан ташқари, ишлаб чиқариш ва бошқарув жараёнининг роботлаштирилиши, масалан банк секторида, роботлар ва ишчилар ўртасидаги рақобат масаласи ҳам кўтарилмоқда.

Рақамлардан фойдаланишга асосланган ҳамда жорий этилган технологияларнинг сўзсиз фойдаси билан ахлоқий, шахсий маълумотларни химоя қилиш, роботлар ва ташиқлотлар ҳолимлари ўртасидаги рақобатнинг ҳуқуқий жиҳатлари билан боғлиқ масалалар тобора кўпроқ эътиборга олинмоқда.

Шу жиҳатдан, мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлагандек “Тараққиётга эришиш учун рақамли билимлар ва замонавий ахборот технологияларини эгаллашимиз зарур шарҳ. Бу бизга локалликнинг энг қисқа йўлидан бориш имкониятини беради. Зеро, бугун дунёда барча соҳаларга ахборот технологиялари чуқур кириб бормоқда. Албатта, рақамли иктисодиётни шакллантириш керакли инфратузилма, кўп маблаг ва меҳнат ресурсларини талаб этишини жуда яхши биламиз. Бироқ, қанчалик қийин бўлмасин, бу ишга бугун киришимасак, қачон киришимиз?! Эртанга жуда кеч бўлади”. [1].

Давлат ва жамият бошқаруви, иқтисодий соҳада ҳам рақамли технологияларни кенг жорий этиб, натижадорликни ошириш, бир сўз билан айтганда, одамлар турмушини кескин яхшилаш мумкин. Рақамли иктисодиёт бу биргина фойлият тури эмас, балки, ишбилармонлик, сановат объектлари, сифатли таълим ва хизматлар деганидир. “Рақамли” атамаси барча соҳаларда ахборот технологияларидан фаол фойдаланишни аниқлатади. Агар олдий иктисодиётда моддий буюмлар

асосий ресурсе ҳисобланса, рақамли иктисодиётда бу қайта ишланадиган ҳамда узатиладиган ахборот, маълумотлар бўлади. Уларнинг тахлилидан сўнг эса тўғри бошқариш буйича ечим ишлаб чиқилади.

Мазкур мақолани ёзишда республикаимиз олий таълим тизимида рақамли технологияларни қўллаш, уларнинг имкониятларини таҳлил қилиш асосида ўқув жараёнини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини аниқлаш мақсади қўйилган бўлиб, унда рақамли технологияларнинг таълим соҳасида нафақат муҳим ўрн эгаллаши ва қандай шаклда жорий этилиши буйича таъкидлар амалга оширилади. Таъкирот усуллари сифатида олий таълимда рақамли технологияларни жорий этишга келиб асосланган ёндашуви шакллантиришга тегишли ҳулосалар тузишда норматив ҳужжатларни, мавжуд бўлган амалиётни ўрганиш, тизимлаштириш ва умумлаштиришдан фойдаланилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, “COVID-2019” пандемияси барча соҳалар сингари таълим тизимида ҳам ўз таъсирини ўтказди, жумладан боғча, мактаб ва олий таълим муассасаларининг барчаси оммавий равишда мулдатидан олдин таълимга чиқшиди. UNESCOнинг маълумотига кўра, дунё бўйича 1,7 миллиард ўқувчилар дарслар тўхтатилгани сабаб аънавий ўқитишдан маҳрум бўлишди. Юздан ортиқ мамлакатларда университетларнинг ёпилиши дунё таълимларининг 90 фоизини ўйда ўтиришга мажбур қилди. 3 марта келиб UNESCO 13 та мамлакатда таълим муассасаларининг вақтинча ёпилиши оқибатида 290,5 миллион ўқувчи ва талаба ўқитишдан узилиб қолганини маълум қилди ва уларни зудлик билан масофавий таълимга ўтишга чакларди.

Маълумотларга кўра, бугун пандемия сабаб таълим муассасаларини ёлган мамлакатларнинг 60 фоизигина тўлиқ рақамли таълимга ўтган. Базми халқаро экспертлар олинган таълимга тўлиқ ўтиб бўлмастгиде, бу жараёни муаммолри вазиатдан чиқши йўли сифатида қараш лозимлигини, акс холда таълим сифати тушиш кетишини таъкидласа, баъзилар замонавий таълим учун янги давр бошланганини эътироф этмоқда. Айрим давлатлар зиелилари эса масофавий таълимга қамраб олишда таъминот масаласини илгари сурмоқда.

Интернет манбаларида хабар берилишича, бугунги кунда атиги ўнга яқин давлатдаги таълимларнинг 95 фоизиди компьютер бор. Индонезияда эса 34 фоиз ёшнинг интернетдан фойдаланишига шароити етарли. Қолган давлатларда бу кўрсаткич анча паст. Шу ўринда, Ўзбекистон Республикасида ҳам бу кўрсаткич юқори даражада эмас. Бунга сабаб эса чекка ҳудудлари Интернет инфратузилмасининг яхши ривожланмаганлигидир. Бу эса айрим мутахассислар тахмин қилаётганидек, таълим сифати тушиш кетишига сабаб бўлиши мумкин [2].

Хўш, шу ўринда савол туғилади. Биз рақамлаштиришга тайёрми? Хавф-хатарини олдиндан кўра биллиш, унинг натижа ҳамда оқибатларини тўғри баҳолай олиш вазиятдан талефотез чиқиб кетишини таъминлайди. Дунёда пандемия тарқалиши орттидан мамлакатимизда иктисодиёт, соғлиқни сақлаш, хизмат кўрсатиш соҳалари сингари таълим жараёни узлуксизлигини таъминлаш учун ҳам керакли чоралар кўрилли. Хусусан, шу йилнинг 17 мартда Президентимизнинг “Тошкент шаҳрида рақамли технологияларни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилиниб, мазкур қарорда таълимнинг барча соҳаларини рақамлаштириш буйича аниқ вазифалар белгилаб берилди.

Шу йил 23 мартдан талабалар учун телевизион дарслар эфирга узатила бошлади. Бундан ташқари, бир нечта олий таълим муассасалари талабалар ва ўқувчилар учун виртуал таълим тизимларини ишга туширди. Масалан, Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетида мактаб ва академик лицей ўқувчилари, талабалар ва АКТ соҳасида билим олишни хоҳловчилар учун тўғрига виртуал таълим тизими фаолият бошлади. Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида “Ўқув жараёнини ташкил этиш ва бошқариш” ахборот тизими ҳамда MOODLE масофавий таълим платформаси ишга туширилди. Бошқа олий таълим муассасаларининг расмий веб-сайтида ҳам MOODLE, Platonus, Moodle LMS, SRS (Student Records System), MOOC каби масофавий таълим платформалари ҳамда мобил телефон ва планшетлар учун Google Classroom, Ereader иловалари ишга туширилиб олинган дарслар ташкил этилиши бошланди. Шулар қатори, Тошкент давлат иктисодиёт университетида ҳам қисқа мулдат ичида “remote-education” масофавий таълим платформасини дастурий таъминоти ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий этилди.

Юртимиздаги нафузали хусусий ўқув марказлари ҳам замон талабидан келиб чиққан холда олинган таълимни йўлга қўйди. Бу жараёнинг ўзи ҳам мамлакатимиз таълим тизимида янги босқич бошланганини аниқлатади. Сабаби, шу кунгача хали ҳеч бир ўқув маркази бундай тартибга ўта олмаётган эди.

Тазим тизими бугунги кунда рақамли технологияларга сингиб кетаётгани шунчаки хайратланарди эмас, чунки, бугунги кунда ахборот мақолида тақлиф этилаётган кўпда нарсаларни жиқдлий тахлил қилиш ва педагогик асослаш учун асос бўлиб хизмат қилади. Сўнгги йилларда тазимни "рақамлаштириш" муаммолари, унинг шаклланишига таъсири бўйича бирор-бир давлат лойиҳаси ёки сўровнома асосида тадқиқотлар ўтказилмаганиги ҳам муҳимдир [3]. Шу билан бирга, Интернет тизимдаги муҳитнинг ёшлар онгига таъсиридан ахамият ҳужуматининг, замонавий оммавий ахборот воситаларининг маърузаларида, педагогик жамоатчилик муҳокамаларида, магистрант ва тадқиқотчиларнинг, шунингдек депутатларнинг илзанишларида ҳам кўришимиз мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, олдин рақамли технологияларни барча соҳаларда, яъни, саноат, иқтисодиёт, банк ва бошқа соҳаларда жорий этиш билан чекланиб қолган эдиқ. Бугунги кунда эса рақамли иқтисодиёт шиддат билан ривожланиб бораётганини эътиборга олиб, рақамли ривожланиш бўйича барча соҳа раҳбарларининг ўринбосарлари лавозим тарвеибига киритилмоқда [4].

Рақамлаштириш йўналиши бўйича фаоллаштириш барча бизнес тузилмаларида амалга оширилмоқда. Бугунги кунда рақамли технологиялар барча соҳаларда "таъвоузкор", айнисса иқтисодий самараси топишган жойларда, барча даражаларда қўллаб-қувватланмоқда. Иқтисодиётда рўй бераётган жараёнлар динамикаси иқтисодиётнинг рақамли трансформациясида олий тазимнинг ривожлантириш бўйича тақлифларни тахлил қилиш ва ишлаб чиқишда тазим ҳамжамиятининг фаол позициясини талаб қилмоқда.

Тазимда рақамли технологияларни ўқитиш сифатини сақлаб қолган ҳолда самарали қўллаш учун нималар қилиш керак? Ырингичидан, албатта мамлакатимизда Интернет инфратузилмасини яхшилашимиз, мобиль операторлар томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифатини оширишимиз ва энг муҳики аҳолининг, айнисса талаба ёшларни замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг сўнг ютуқларини ўзлаштиришга шарт-шароитлар ҳамда имтиёзлар яратиб беришимиз лозим.

Иқкинчидан, ўқув жараёнини ташкил этишда рақамли технологиялардан фойдаланиш қўламини кенгайтириш ва ахборот ресурслари, ўқитиш воситалари ва масофавий ўқитиш технологияларини ривожлантириш, ижодкор талабаларни университетни рақамлаштириш лойиҳаларига жалб қилиш билан олий тазим муассасалари фаолиятини тартибга солуви норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш киритиш бўйича ваколатли органларга тақлифлар бериш, юқори самардорликка эга рақамли қурилмалар билан жиқозланган тузилмалар, ўқув хоналари, лабораториялар, медиастудиялар ва бошқаларни ўз ичига олган марказларни ташкил этиш ҳамда унда орттирилган таърибани Ўзбекистоннинг барча олий тазим муассасаларида қўллаш.

Учинчидан, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва тазим технологияларининг мустаҳкам интеграциясини таъминлаш, бу борда педагог кадрларнинг касбий маҳоратини узлуқсиз ривожлантириб бориш учун қўшимча шароитлар яратиш.

Тўртинчидан, интернет тақдимот тизимларидан фойдаланиш, маъруза ва семинар дарслари учун интернет билан боғлиқ ҳолда интернет ва мултимедияли тақдимотларни ишлаб чиқиш каби мавзулар бўйича ўқитувчиларнинг малакасини ошириш учун курсларни ташкил қилиш ва ўтказиш.

Бешинчидан, реал вақт режимида интернет тақдимот тизимлари, видео-конференцалока тизимлари, виртуал заллар, электрон ресурслардан фойдаланиб исталган вақтда масофавий ўқитиш жараёнини амалга ошириш.

Олтинчидан, булутли технологиялар, виртуал воқелик, кенгайтирилган воқеликдан фойдаланиш ҳамда дидактик материаллар ва таъриб дизайларини ишлаб чиқишда 3D принтерни қўллаш, рақамли дидактика ва рақамли тазим моделларини қўллаш, ўқитувчилар ва талабалар учун лойиҳалар, диплом ишлари, илмий илзанишлар ва бошқаларни муҳокама қилиш учун илмий веб-сайтлар, ишлаб чиқиш лозим. Шундангина, биз рақамли технологиялардан фойдаланиб тазим сифатини туширмаган ҳолда талаба-ёшларга бугунги кун талаби даражасида билим олишларига эришамиз.

Алоҳида таъкидлаш керакки, бугунги кунда ҳаётимиз ҳар жиқатдан техника ва технологиялар билан боғлиқ, яъни эрталаб соат бонгидан бошлаб то кун режасини тузиш ва ўқиб билим ақуллашгача. Биз тазим сифатини ошириш ва ривожлантириш учун технологиялардан манфадли фойдаланиш имкониятини яратишни истадик. Қачонки, планшет тазим олишнинг бир элементига айланса, болалар ўқиб жараёнига катта қизиқиш билан киришади. Бу ўйин билан

классик тазимни бирлаштиришга тенгдир. Натижанда ўқиб жараёни яхшиланади, ўзлаштириш, тазим даражаси ва кадрларни тайёрлаш самардорлиги ошади. Билимли авлод, профессионал кадрлар — бу жамиятнинг кенг миқёсда ривожланишининг гаровидир.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, бугунги кун аудиоториялари ўн йил аввалгиларидан жуда катта фарқ қилади ва синф хоналари компьютерлар, iPad, планшетлар, смарт-доскалар ва бошқа турдаги тазим технологиялари билан жиқозланган. Дунёнинг бошқа жойларига бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам рақамли авлоднинг етти экранли авлоди - телевизор, компьютер, планшет, таблет, фаблет, смартфон ва смартфонлар пайдо бўлмоқда. Бундай зич рақамли муҳитга эга бўлиш ва у билан лозимий ўзаро муносабат натижасида бугунги кун талабаларининг фикрлаши ва ахборотларига ишлов бериш жараёнилар олдинги фикр юритиш ва ахборот жараёнларидан тубдан фарқ қилмоқда. Рақамли авлод ота-оналаримиз ўрганган услубда ўқитиш мумкин эмас ва бўлмақда. Бу авлодни ўқитишда қора доска ва ёқ бурдан фойдаланиш ҳам мумкин эмас. Қора доскани оқига ва бурни маркерга ўзгартириш ҳеч нарсани ўзгартирмайди, яъни замонавий талабаларни билим олишга ва меҳнат бозорига муваффақиятга эришиш кўникмаларини ривожлантиришга ундаш усули бўла олмайд. Замонавий ахборот-коммуникация технологияларига асосланган инновацион тазим технологиялари ва дидактик моделларни оммавий ва самарали қўллаш орқали тазим тизимини рақамли авлодга мослаштириш зарур.

Шу билан бирга, тазим жараёнида тадқиқотга асосланган ёндашувлан фаол фойдаланиш лозим ва бу билан илмий тадқиқотда талабаларнинг кўникмаларини ривожлантириш ва IT-компетентияга асосланган ижодий қобилиятларини ва ижодий фикрлашларини шакллантириш мумкин. Ахборот ва коммуникация технологиялари — тазим тизимдаги барча муаммоларга ечим эмас, балки рақамли авлод учун маърузалар ва семинарларни маълумотларга бой ва интерактив қилиб амалга ошириш воситасидир. Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, ўқитувчилар талабаларнинг эҳтиёжларига йўналтирилган интернет фаол ўқув жараёнида асосий ролни сақлаб қолади.

Ўқитувчининг обрўси ва унинг фаолиятининг самардорлиги фақатгина курс мазмуниндаги билимлар даражаси ва унинг педагогик қобилиятига эмас, балки муайян ўқув материални тўплаш, қайта ишлаш ва ўқитишда ўқитувчининг қанчалик замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш даражасига боғлиқ бўлади. Бошқача қилиб айтганда, рақамли арда тазим қайта қўриб чиқишда ва тазим парадигмаси ўзгартирилиши шарт, чунки талабалар ортық анъанавий услубда ўқибни хошламайдилар ва ўқитувчилар ҳам бу каби оқиятти усулда ўқитишни давом эттиришлари керак эмас.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январда Олий Мажлисига йўллаган Мурожаатномаси. <https://uz.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezident-shavkat-mirziyevning-oliv-25-01-2020>.
2. Шаронин Ю.В. Цифровые технологии в высшем и профессиональном образовании: от личностно ориентированной Smart-дидактики к блокчейну в целевой подготовке специалистов // Современные проблемы науки и образования. — 2019. — №.
3. Abdullayev M., Saidahrot, G., & Ayupov, R. (2020). Raқamli iqtisodiyot - kadrlar tayyorlashning dolzarb iynalishlari. Arxiv nauchnyx issledovaniy, 1(23). izvlecheno ot <https://journal.issue.uz/index.php/archive/article/view/2702>.
4. Norboeva N Erkinovna, Khashimova D Pakhriddinova. The role of the digital economy in the development of information and communication technologies // ACADÉMICA: An International Multidisciplinary Research Journal 10 (3), 25-31.

БОШЛАНГИЧ ТАЪЛИМНИ ТАБАҚАЛАШТИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛЛАРИ

Ш. Ш. Олимов

БухДУ профессори

Тазим ислохотининг бош мақсади — тазим олувчилар шахсини қомил инсон сифатида шаклланишга объектив ва субъектив шарт-шароитлар яратишдир. Бунинг учун тазим муассасаларида маънавий-ахлоқий тарбия қулайтирилиб, тазим олувчиларни миллий ўзинини аниқлаш, ватанпарварлик, ўз вагани учун ифтихор гуйғусини шакллантиришга эътибор қуядади.